



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 23 январь, № 15 (9186)


Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТИНЧЛИК КЕНГАШИ НИЗОМИНИ ИМЗОЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 21-22 январь кунлари Америка етакчиси ташаббуси билан ташкил этилган Тинчлик кенгаши Низомини имзолаш маросимида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Швейцарияда бўлди.



Давлатимиз раҳбари 22 январь кунли Давос шаҳрида Тинчлик кенгаши Низомини имзолаш маросимида иштирок этди.

АҚШ Президенти Дональд Трамп раислигида ўтган тадбирда Аргентина, Арманистон, Баҳрайн, Болгария, Индонезия, Иордания, Марокаш, Мўғулистон, Озарбайжон, Парагвай, Покистон, Қатар,

Қозоғистон, Саудия Арабистони, Туркия, Венгрия ва бошқа давлатлар раҳбарлари, бош вазирлари ва ташқи ишлар вазирлари ҳам қатнашди.

Тинчлик кенгашининг ташкил этилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатининг тинчликни таъминлаш борасидаги ташаббуслари ва кўп қиррали ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга

қаратилган устувор вазифаларига мосдир. Янги тузилма БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши резолюцияси билан қўллаб-қувватланган Ҳазо секторидagi можарони тугатиш бўйича комплекс режани амалга ошириш доирасида шакллантирилмоқда.

Тинчлик кенгаши можаронинг кескинлашуви хавфини камайтириш,

Ҳазо секторидида иқтисодий ва ижтимоий тикланиш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган. Бу фаровон иқтисодиёт ва тинч-осойишта ҳаётга эга Янги Ҳазони барпо этиш, истиқболда Фаластин давлатини тузиш имкониятини вужудга келтирмоқда.

Кенгаш таркибидан жаҳоннинг турли мамлакатларидан нуфузли ва таъсирга эга етакчилар ўрин олди.

Кенгаш Низомини имзолаб, Ўзбекистон уни таъсис этган давлатлардан бирига айланди. Бу мамлакатимизнинг кенгаш фаолиятида изчил иштирок этишга ҳамда барча таъсисчи давлатлар ва халқаро шериклар билан яқин ҳамкорликда унинг ваколатларини ҳаётга татбиқ этишда амалий ҳисса қўшишга тайёрлигини аълолади.

Тинчлик кенгаши Низомини имзолаш маросими доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ва Венгрия Бош вазирли Виктор Орбан ўртасида мулоқот бўлиб ўтди.

Етакчилар дўстона руҳда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Кўп томонлама, шу жумладан, Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти "Blackrock" компания-

си директорлар кенгаши аъзоси ва катта бошқарувчи директори Адебайо Огунлеси билан учрашди.

Ушбу етакчи компания билан инвестициявий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ва илгари эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

"Blackrock" компаниясининг мамлакатимиздаги устувор лойиҳаларда иштирок этиш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Компаниянинг Ўзбекистондаги бир қатор корхоналар капиталига кириш, қўшма инвестиция механизмларини ишлаб чиқиш ва мамлакат инвестиция муҳитини яхшилаш учун халқаро экспертизани жалб қилиш бўйича ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

Давосдаги тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо билан учрашув ўтказди.

Мазкур етакчи молия институти билан стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Банкнинг мамлакатимиз билан ҳамкорлиги барқарор стратегик тусга эга. Ўзбекистон ЕТБнинг минтақадаги энг йирик ҳамкори бўлиб қолмоқда. Банкнинг инвестициялари ҳажми қарий 7 миллиард долларга етди.

2025 йилда амалиётлар, шу жумладан, хусусий секторга йўналти-

рилган маблағларнинг ҳажми 1 миллиард доллардан ошди.

ЕТБнинг "яшил" энергияни ривожлантириш, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, экологик дастурларни амалга ошириш, молия бозорини ислоҳ қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси юқори баҳо-ланди.

Жорий йил учун ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, жумладан, хусусий сектор ва инфратузилмани ривожлантириш, темир йўл транспортини рақамли трансформация қилиш ҳамда бошқа масалалар белгилаб олинди.

Аёллар ва ёшларни замонавий касблар ва бизнесга ўқитиш бўйича дастурларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давосдаги тадбирлар доирасида Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Сербия Президенти Александар Вучич, АҚШ савдо вазирли Говард Латник, Буюк Британиянинг собиқ Бош вазирли, Глобал ўзгаришлар институти раиси Тони Блэр билан ҳам суҳбатлар ўтказди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Швейцарияга амалий ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ — АЛОҲИДА ЭЪТИБОРДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева "БМТ-аёллар" тузилмасининг Ўзбекистондаги мамлакат дастурий менежери Зелиха Уналди билан учрашди.

Учрашув

Суҳбат аввалида Сенат Раиси Уналди хонимни Ўзбекистонда ушбу лавозимда фаолият бошлагани билан табриклади.

Учрашувда Ўзбекистоннинг "БМТ-аёллар" тузилмаси билан ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, шунингдек, мамлакатда гендер тенгликни илгари сўриш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш бўйича навбатдаги тадбирлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон оила институти

мустаҳкамлаш, хотин-қизларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва гендер тенгликни таъминлаш масалаларига устувор аҳамият қаратаётгани таъкидланди.

Бу борада "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ва 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини амалга ошириш, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, ҳар қандай камситишларга йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, 2026 йилда Ўзбе-

кистон раислик қиладиган Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқотини ривожлантириш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди. "Гендер зўравонликка қарши 16 кунлик фаол ҳаракатлар" кампанияси якунига доир таклиф ва ташаббуслар асосида келгусида дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мулоқот якунида томонлар ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва гендер тенгликни ривожлантиришга қаратилган қўшма ташаббусларни амалга оширишга тайёр эканлигини билдирди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

Нуриддин ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Мамлакатимиз учун 2025 йил барча соҳада муваффақиятли якунланди. Давлатимиз раҳбари бошчилигида Ўзбекистон 2026 йилга жуда катта режалар билан қадам қўйди. Хусусан, Президентимиз Мурожаатномасида белгиланган 6 та устувор вазифа Ватанимиз ва халқимиз фаровонлигини назарда тутгани билан юксак аҳамиятга эга.

Нуқтаи назар

Мурожаатномада белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини янгидан қабул қилишда депутатлар ўз таклифлари билан фаол қатнашмоқда.


Мурожаатнома — давлатнинг ички ва ташқи сиёсати,

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва институциявий ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилайдиган асосий сиёсий ва стратегик ҳужжат. У Қонунчилик палатасининг қонунчилик фаолияти учун қўлланма бўлиб хизмат қилса, парламент

фракцияларига ўз электорати манфаатларини ва мафқуравий муносабатларини акс эттирувчи позициясини шакллантириш учун асос ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мурожаатнома форматини аънавий равишда сиёсий тизимни мустаҳкамлаш, элита ва жамиятнинг стратегик мақсадлар атрофида сафарбар қилиш воситаси сифатида ишлатган. Шу билан бирга, Қонунчилик палатасидаги ҳар бир фракция Мурожаатномани ўзининг сиёсий ўзига хослиги призмаси орқали изоҳлайди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, ўзининг Янги йил табригида ҳам халқимизнинг қалбидида энг эзгу гоёлар билан мужассам бўлган улкан мақсадларни таъкидлаб ўтди. Жумладан, Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятнинг юксалтириш йилида минглаб маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланади, уларга Янги Ўзбекистон қиёфаси олиб киради. Экологияни яхшилаш, "яшил" энергетикани ривожлантириш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича таъсирчан чоралар кўрилади.



Янги Ўзбекистоннинг янги марралари учун барчамиз масъулимиз

1Йил бошида Президентимиз яна иккита муҳим йўналиш бўйича устувор ва-зифаларни белгилла берди. Хавфсизлик кен-гашининг кенгайтирилган йўналишида ҳам, тақши сиеъатни фаоллаштиришга бағишланган видео-селекторда ҳам ўта муҳим масалалар — хавф-сизлик, тақши алоқалар, айниқса, иқтисодиеътни ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгиланди.

Яқин кунларда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” давлат дастури ҳам қабул қилинади.

Оқоридаги барча ижтимоий-иқтисодий, сиеъсий соҳаларнинг ривожи, аҳоли фаровонли-гини юксалтириш учун белгиланган катта режа-ларни амалга ошириш, албатта, парламент, Қонунчилик палатаси зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Депутатлик корпуси давлатимиз раҳбарининг барча ташаббусларини қўллаб-қувватлаган ҳолда ислохотлар ва янгиланишларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратди, амалга оширилаёт-ган ишларда самарали парламент назоратини таъ-минлайди. Ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва на-тижадорлигини аҳолига таъсирчан етказида, сайловчиларнинг тақлифларини қонунларда акс еттиради.

Парламент — ислохотларнинг фаол иштирокчиси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ўтган даврдаги фаолияти, асосан, Президентимизнинг 2024 йил 18 — 20 ноябрда бўлиб ўтган пар-ламент палаталари мажлисларидаги дастурий нутқларида илгари сурилган 8 та устувор вази-фани, шунингдек, давлат дастуридаги мақсадлар-ни амалга оширишга қаратилди.

Ўтган даврда қўмиталар фаолияти мақбул-лаштирилиб, олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларга мос равишда йўлга қўйилди. Қўйи палатадаги мавжуд 12 та қўмита фаолияти ўрни-га 10 та янгиланган қўмита ташкил етилди.

Тадбиркорлиқни ривожлантириш, ишбилармон-лар билан фаол мулоқот қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини парламент даражасида инфо-далаш мақсадида парламент тарихида илк бор Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва са-ноат масалалари қўмитаси тузилди. Ёшларга оид давлат сиеъсатининг изчиллигини таъминлаш, ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақ-садида Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси ташкил етилди.

Йўналиш ва мазмуну жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган қўмиталар бирлаштирилиб, 2 та қўмита — Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масала-лар қўмитаси ҳамда Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси тузилди. Шу даврда қўмиталарнинг фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқоти янада кучайди. Жумладан, қўмиталар ҳузурида етакчи мутахас-сислар, экспертлар, олимлар, амалиётчилар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакил-ларидан иборат таркибда 10 та Жамоатчилик кен-гаши тузилди.

Қўмиталарнинг илмий-тадқиқот муассасалари, таҳлил марказлари билан 69 та ҳамкорлик мемо-рандуми имзоланган ва биргаликдаги режалар тас-диқланди. Қонунчилик палатаси ва ҳукумат ўрта-сидаги ҳамкорлиқнинг янгица тизими йўлга қўй-илиб, вазирилик ва идораларда раҳбар ўринбосар-лари қўмиталар билан доимий ҳамкорлик учун масъул қилинди.

Қўмиталар туман ва шаҳар даражасида сўров ва талабни кучайтирди, иқро ҳокимияти қўйи бўй-нигача тушди ҳамда жойлардаги муаммоларни доимий ўрганиб боришга устувор аҳамият қар-тиб, 155 та назорат-таҳлил тадбири ўтказди. Қонунларнинг иқро етилиши ҳолати ҳудудларга чиққан ҳолда ўрганилди ва уларнинг яқунлари қўмиталарнинг сайёр йиғилишларида кенг жамо-атчилик ва соҳа вакиллари иштирокида муҳокама қилинди.

Қўйи палата фаолиятида жамоатчилик ишти-роки янада кучайтирилди. Хусусан, Жамоавий та-шаббуслар бўйича комиссия, Иқлим ўзгариши оқибатларини камайитириш ва “яшил” иқтисо-диеъта ўттишни тезлаштириш масалалари бўйича комиссия ва Қонунчиликни Жаҳон савдо ташки-лоти битимларига уйғунлаштириш бўйича комис-сия тузилдиб, фаолиик билан иш олиб бормоқда.

Жумладан, Қонунчиликни Жаҳон савдо ташки-лоти битимларига уйғунлаштириш бўйича комис-сия Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиши борасидаги барча тадбир-ларда фаол қатнашмоқда. Комиссия аъзолари то-монидан Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳаларининг ЖСТ талабларига муво-фиқлиги доимий равишда ўрганиб боришмоқда.

Палатага киритилган 17 та қонун лойиҳаси ЖСТ талабларига мувофиқлиги ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Нуфузли халқаро ва маҳаллий дара-жадаги конференцияларда комиссия вакиллари қатнашиб, ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдир-моқда.

Қонунчилик палатасининг 20 январь куни бўлиб ўтган ялпи мажлисида миллий қонунчиликни Жа-ҳон савдо ташкилотининг Санитария ва фитоса-нитария чораларини қўллаш бўйича битимига му-вофиқлаштириш ҳамда фитосанитар зарарсиз-лантириш фаолиятини лицензиялашга доир қонун лойиҳалари қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар ЖСТ талабларига миллий қонунчилигимизни му-вофиқлаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Халқчил қонунлар — барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаёт асоси

Янги тахирдаги Конституция қонун ижодкор-лиги фаолиятида янги босқични бошлаб берди. Бош қомунисмиздага асосан Қонунчилик палатаси-нинг қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорли-гини янада оширишга қаратилган янги институт-лар амалиётга табиқ етилди.

Ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни жа-миятимиздаги долзарб муаммолар ечимига, халқимизнинг оирини енгил қилишга қаратилди. 2025 — 2029 йилларга мўлжалланган қонун ижод-корлиги дастури тасдиқланди. Ушбу дастур дои-расида 40 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш на-зарда тутилган. Қонун лойиҳасини парламентга киритишда унинг коррупцияга қарши експерти-заси ва жамоатчилик муҳокамаси натижаларини тақдим етилишга доир талаблар белгиланди. Қонун лойиҳаларини қўриб чиқишининг барча босқичла-ри, ҳужжат айланishi тўлиқ рақамлаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, янги тахирдаги Конститу-цияга мувофиқ, қонунчилик тақлифларини ки-

ритиш институтининг жорий етилиши фуқаролар-нинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки янада кенгайишига ва қонунларнинг амалиётда-ги таъсир кучи ортишига хизмат қилмоқда. Хисо-бот даврида Олий Мажлис Сенати ва Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) томонидан 6 та қонунчиликка тақлиф қўйи палатага ки-ритилди.

Халқ вакиллари ўзининг қонунчилик ташаббу-си ҳуқуқидан унумли фойдаланди. Депутатлар то-монидан сайловчиларнинг тақлифлари ва дол-зарб масалалар ечими акс етган 22 та қонун лойи-ҳаси ишлаб чиқилиб, қўйи палатага киритилди. Бу ташаббуслор субьектлар томонидан киритил-ган лойиҳаларнинг 13 фоизини ташкил етди.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилин-ган қонунлар сони аввалги йиллардагига қара-ганда бирмунча қўлайди. Масалан, 2024 йилда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган қонунлар сони 110 тани ташкил етган бўлса, бу рақам ҳисобот даврида 133 тага етди.

Ўтган даврда бутун бир соҳани тартибга со-лувчи қатор ахлит қонунлар қабул қилинди. Сув кодекси, “Давлат ижтимоий сугўртаси тўғриси-да”, “Ижтимоий иш тўғрисида”, “Озиқ-овқат хавф-сизлиги тўғрисида”, “Автомобиль йўллари тўғри-сида”, “Қишлоқ ҳўжалиги таваккалчиликларини сугурта қилиш тўғрисида”, “Қурилиш майдонла-рида чанг ва қум зарралаларининг ҳавога қўта-рилишини бартараф етишга доир мажбурий талаблар белгиланиши муносабати билан Маъ-мурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшим-чалар ва ўзгариштириш киритиш ҳақида”ги қонун-лар шулар жумласида.

Хисобот даврида Қонунчилик палатаси томо-нидан давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамият-га эга бўлган, халқимиз фаровонлигини ошириш-га, аҳолига қўшимча енгилликлар яратишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қон-ний манфаатларини таъминлашга қаратилган қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. Жумладан, “Ер участкаларидан фойдаланиш тартиби янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбе-кистон Республикасининг айрим қонун ҳужжат-ларига ўзгариштириш ва қўшимчалар киритиш тўғри-сида”ги Қонун билан маданый ҳордиқ масканла-рини ҳудудини қисқартириш, ҳусусийлаштириш ҳамда бундай объектлар ҳудудида бино-иншоот қурилиши қатъий тақиқланди.

“Аҳолига суд муҳокамаларида масофадан иш-тирок етиш учун янада қўлай шароитлар ярати-лиши муносабати билан Ўзбекистон Республика-сининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариштириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан аҳолига видеоконференцалоқа режимида ўткази-ладиган суд мажлисларида мобиль видеоэффе-ренцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масо-фадан туриб иштирок етиш имконияти яратилди.

Умуман олганда, норма ижодкорлиги фаолия-тида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинлик-ларини ишончли химоя қилишга, халқимизга қўшимча қўлайликлар ва енгилликлар яратишга, аҳолининг ижтимоий ва молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга, қисқача айтганда, халқимиз манфаатларини таъ-минлашга устувор аҳамият қаратилди. Бу эса давлатимиз раҳбарининг қўйи палата мажлисида-ги нутқида “**Қонун қабул қилинмиши, у албатта ишлаши керак ва одамлар ҳаётида сезилар-лиқ ўзгариш бўлиши лозим**” деган фикрлари ҳаётда ўз инфодасини топаётганидан далолатдир.

Ўтган даврда сиеъсий партиялар фракциялари-нинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги талабчанили-ги ортди. Фракциялараро рақобат кучайди. Фрак-циялар қонун лойиҳаларида ўз нуктаи назарла-рини, қатъий ёндашувларини намоеён етмоқда. Масалан, ЎзЛиДеП ва “Миллий тикланиш” ДП фракциялари томонидан “Тараққиёт бўлики” ту-зилди, шунингдек, ХДП фракцияси ўзини пар-ламентдаги мухолоифат фракция деб эълон қилди. Бу фракциялар фаолиятида фикрлар илмлаҳви-лигини таъминлашга, халқ манфаатларига мос қонунлар ишлаб чиқилишига хизмат қилмоқда.

Фракциялар қатъий позицияси билан 2 та қонун лойиҳаси ташаббускор субьектга, 12 та қонун лойиҳаси қўйи палатанинг масъул қўмиталарига қайтарилди. Фракциялар ўз партияларининг Сайловолди дастурларини амалга оширишга фаол киришди. Хусусан, сайлгоҳ, ҳибёбон, бог ва дарахтзорлар муҳофазасини кучайтиришга, ҳоми-ладор аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини қафолати таъминлашга, ер участкаларидан самарали фойдаланишга, ННТНИ қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқи-либ, қўйи палатага киритилди.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда парламент-да қўллаб ҳаётий зарур қонунларнинг қабул қили-ниши амалиётда тезда ўзининг ижобий натижа-сини бормоқда. Хусусан, қўпчилик қўтаётган ва миллионлаб оилаларнинг ҳаётига дахлдор бўлган “Дала четларида қишлоқ ҳўжалиги махсусотла-рини еттиштириш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгариштириш киритиш тўғрисида”-ги Қонуннинг қабул қилиниши узок йиллар му-байнида одамларни қўйнаб келган ердан фойда-ланиш борасидаги долзарб муаммоларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳал етишга замин яратди.

Халқ вакиллари сайлов округларида

Президентимиз камбағаллик даражасига тушиб қолган одамларнинг онгини ўзгартириш, уларда эртанги кунга ишонч ва келажакка интилишни қўллаб-қувватлайдиган сиеъий куч, албатта, ав-вало, депутатлар бўлиши зарурлигини таъкидла-ган еди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, агар янги сайланган депутатларимиз ўз округла-рида мана шу ишларни амалга оширса, улар халқ ишончини оқлашга ва ҳурматини қозонишга эриша олади. Президентимизнинг ушбу ташаб-буси жуда муҳим. Қонунчилик палатаси фаолия-тида мазкур масала устувордир.

Шундан келиб чиқиб, ўтган даврда депутат-ларнинг сайлов округларидаги ишлари самара-дорлиги янада оширилди. Сайловчилар билан му-лоқотнинг янгица тизими йўлга қўйилиб, ягона сайлов округи бўйича сиеъсий партиялар рўйхати асосида Қонунчилик палатасига сайланган 75 на-фар депутатнинг ҳудудлардаги фаолиятини таъ-кил етиш Концепцияси тасдиқланди. Унга қўра, пропорционал тизим асосида сайланган депутат-лар ҳудудларга масъул қилиниб, уларнинг сай-ловчилар билан мулоқоти йўлга қўйилди.

Шунингдек, соғлом турмуш тарзини шакл-лантириш йўналишида қатор ўрганишлар ўтқа-

зилди ҳамда фуқаролар ва соҳа вакиллари билан очиқ мулоқотлар қилиниб, кенг тарғибот-тушун-тириш ишлари олиб боришмоқда. Олий Мажлис палаталари томонидан “Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш бўйича Қорақал-поғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кен-гашлари учун тасвиялар” ишлаб чиқилиб, маҳал-лий Кенгашларга етказилди.

Маҳаллий Кенгашлар томонидан ер солиғи ва ижара тўловлари учун белгиланган минимал қий-матларга коэффицентларни белгилаш бўйича жойларда олиб борилаётган ишлар ҳолати қуқур ўрганилиб, таҳлил қилинди. Бу бўйича қўйи пала-та ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, соҳа ва-киллари иштирокида 40 дан зиёд тадбирлар ўтқа-зилди, республиканиннг ҳар бир ҳудудида жами 14 та семинар ташкил етилди.

Қўриб чиқилган йилда маҳаллагача тушиб, аҳоли билан юзма-юз сўхбат қилиш тизими кен-гайтирилди. Фермер ҳўжаликлари, тадбиркорлик субьектлари, камида 5 та ижтимоий соҳа объек-тига бориб, очиқ мулоқот ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Қонунчилик палатасига мурожаат йўлла-ган фуқароларни эса сайлов округларида қабул қилишга ўтилди.

Қонунчилик палатасининг Фуқаролар қабулхо-насида депутатларнинг сайловчиларни видеокон-ференцалоқа режимида қабул қилиш имконияти яратилди.

Депутатлар ҳар ойнинг охириги ҳафтасида — жами 10 марта сайлов округларида бўлди. 12 мингдан ортиқ аҳоли хонадонларига бориб, 8,1 мингта ижтимоий соҳа объекти, 6,5 мингдан ортиқ тадбиркорлик субьектлари, 5 мингдан қўп маҳаллалар фаолияти билан танишди. 17,3 минг-дан зиёд фуқаролар қабуллари ташкил етилиб, 10,2 мингдан ортиқ учрашувлар ўтказилди. Улар-да 242 мингдан зиёд одамлар қамраб олинди.

Коррупцияга қарши кураиш — устувор вазифа

Коррупцияга қарши кураиш бўйича миллий кенгашининг кенгайтирилган ййғилишида давлат раҳбари томонидан қўйилган вазифалар доира-сида Қонунчилик палатаси томонидан “Йўл хари-таси” ишлаб чиқилиб, ҳар бир қўмита, сиеъсий партиялар фракциялари, комиссиялар кесимида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбир-лар аник белгиллаб олинган эди.

Ўтган даврда бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, қонунларда корруп-цияга имкон берувчи нормаларни аниклаш ва бар-тароф етиш, бу борада таъсирчан парламент на-зоратини таъминлашга қаратилган Қонунчилик палатаси Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

Депутатлар корпуси коррупцияга қарши ку-раиши, жиноятчиликни жиповлаш борасида бел-гиланган вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок етишди. Мамлакатимизнинг барча ҳуду-дида маҳаллаларга тушиб, коррупцияга қарши ку-раиши борасидаги ишлар, муҳим соҳа ва тар-моқларда маъмурий-бюрократик тўсиқлар ва кор-рупциявий омиллар ҳамда “қизил” тоифадаги ма-ҳаллаларда жиноятларнинг келиб чиқиш сабаб-ларини чуқур ўрганиш, мавжуд муаммоларни пар-ламент муҳокамасига олиб чиқишга устувор аҳамият берилди.

Белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида қўйи палата Кенгашининг 2 та қарори қабул қилиниб, чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Парламент аъзо-лари, ҳуқуқ-тартибот органлари, тегишли масъ-уллардан иборат ишчи гуруҳлари тузилди. Барча ҳудудларда 14 та назорат-таҳлил тадбири ўтқа-зилди.

Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси то-монидан бюджетдан энг қўп маблағ олувчи қатор вазириклар ва идоралар (Мактабгача ва мактаб таълими, Соғлиқни сақлаш, Сув ҳўжалиги вазир-ликлари, Кадастр агентлиги), шунингдек, тижор-ат банкларида коррупциявий омилларни бартар-аф етиш ишлари бўйича ўрганишлар ўтказилди.

Бундан ташқари, депутатлар сайлов округла-рида ўтказилган учрашувларда коррупцияга қарши кураиш борасида амалга оширилаётган исло-хотлар мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини кенг жамоатчиликга етказди.

Ўтган йилда ушбу йўналишда қатор парламент назорати тадбирлари ҳам ўтказилди. Хусусан, “ҳукумат соати” доирасида соғлиқни сақлаш, спорт, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги ва адлия ва-зирларининг, “парламент эшитувчи”да эса Адлия, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилклар-нинг, қўмиталарда мутасадди раҳбарларнинг 37 мартаба эа эшитувлари ташкил етилди. Шунинг-дек, Қонунчилик палатаси мажлисида Корруп-цияга қарши кураиши агентлигининг миллий маъ-рузаси ешитилди.

Мамший коррупцияга қарши иш ш масала-лари бўйича маҳаллий Кенгашларда 197 та му-лоқот ва 19 та сессия ўтказилди. Жойлардаги ўрганишлар ҳамда аҳоли билан мулоқотлар да-вомида аниқланган муаммоларни ҳуқуқий жиҳат-дан ҳал етиш, қонунчиликни янада тақомил-лаштириш юзасидан 19 та қонун лойиҳаси ҳамда 50 га яқин тақлифлар ишлаб чиқилди.

Олиб борилган ўрганишлар, ўтказилган пар-ламент назорати тадбирлари муаммоларни пар-ламент муҳокамасига олиб чиқиш ҳамда уларга ҳуқуқий, ташкилий ва амалий ечимлар топишда муҳим аҳамият касб етди.

Ваколатлар кенгайиб, назорат функцияси кучайди

Янги тахирдаги Конституцияга мувофиқ, ма-млакат ижтимоий-сиеъий ҳаётига оид муҳим вази-фаларни ҳал етиш ҳамда иқро ҳокимияти фаоли-яти устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш бўйича Қонунчилик палатасига аник ваколатлар белгилангани депутатлар корпу-си фаолиятига янгица мазмун-моҳият олиб кирди.

Ўтган даврда кенг қўламли, сифатли пар-ламент назорати тизимига ўтилиб, фракциялар ва қўмиталар ташаббуси билан 11 та “парламент эшитувчи”, 9 та “ҳукумат соати” ўтказилди. Ман-сабдор шахсларга эса 15 та парламент ва 169 та депутат сўрови юборилди.

Давлатимиз раҳбарининг Қонунчилик палата-сига экология, озиқ-овқат хавфсизлиги, саноят, хизмат қўрсатиш, инвестиция, экспорт, миграция каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш бўйи-ча берган қўрсатмаларидан келиб чиқиб, пар-ламент назорати тадбирларида ушбу соҳаларда аҳолини ўйлантириш келаятган долзарб масала-лар қўтарилди.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича парламент назоратини таъмин-лашга устувор аҳамият қаратилди. Хусусан, бу борада амалга оширилаётган ишлар юза-сидан ҳукумат аъзоларига 4 та парламент сўрови жўнатилди.

Қўйи палатадаги масъул Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси-да давлат органлари раҳбарларининг 10 мартаба ахбороти ешитилди. Шунингдек, “Чиқиндилар тўғрисида”ги, “Муҳофаза етиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги каби 3 та қонуннинг иқро қилиниши ҳолати назорат-таҳлил тартибида ўрга-нилди. Натижада қўмита томонидан жойларда ўтказилган ўрганишлар, соҳа вакиллари билан бўлиб ўтган мулоқот ҳамда назорат-таҳлил тад-бирлари давомида аниқланган муаммоларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида 9 та қонун лойиҳаси ва тақлифлар ишлаб чиқилди.

Хисобот йилида депутатлар томонидан 200 дан зиёд экорейдларда қатнашилди. “Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун ижроси Тошкент шаҳри ва Сурхондарёда ўрга-нилди. 139 та объектада атмосфера хавоси иф-лосланишининг олдини олиш бўйича тарғибот тад-бирлари ўтказилиб, 3,1 минг нафардан ортиқ фуқаролар қамраб олинди. Атмосфера хавосига зар-ар етказганлик учун жавобгарлиқни кучайтириш бўйича қонунчиликка тақлифлар ишлаб чиқилди.

Айтиш жоизки, ўтган даврда Давлат бюджети ижросини назорат қилиш механизмлари янада кучайтирилди ва жойларда аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича дастурларни ишлаб чиқишда пар-ламентнинг фаол иштироки таъминланди. Бюд-жет тизимини ва бюджет жараёнини тақомил-лаштириш, хусусан, Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот турларини кенгайтириш мақ-садида “Бюджет жараёни тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариштириш ва қўшим-чалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иш-лаб чиқилди ва қабул қилинди.

Қонунга мувофиқ, ҳукуматнинг Давлат бюджет-ига доир барча ҳисоботлари Қонунчилик пала-тасига фақат Бюджет кодексига белгиланган аудит ҳулосаси билан биргаликда киритилиши белгиланди. Давлат бюджети ва давлат мақсад-ли жағмармалари бюджетларининг ижроси тўғри-сидаги чораклик ҳисоботлар Ҳисоб палатасининг тезкор ҳулосаси билан бирга киритилиши назар-да тутилди.

Бундан ташқари, ҳудудларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланти-риш дастурини Қонунчилик палатасига киритиш ва қўриб чиқиш амалиёти жорий етилди. Шунинг-дек, қўйи палата депутатларининг тегишли ма-ҳаллий Кенгашлар томонидан инвестиция лойи-ҳаларини қўриб чиқиш жараёнларида иштирок етиши белгиланди. Давлат бюджети ижросига доир ҳисоботлар атрофила муҳокама қилинди.

Президентимизнинг ташаббусли бюджет жа-раёнларини тақомиллаштиришга қаратилган қаро-рига мувофиқ, 2026 йил январдан бошлаб депу-татлар ҳар йили ташаббусли бюджет жараёнла-рини доирасида ўз сайлов округларида голиб бўлма-ган лойиҳалар орасидан аҳолининг қундалик ҳаётига ҳамда ҳудудни ривожлантиришга бево-сита таъсир қўрсатадиган иккита лойиҳани тан-лаши ва улар “Озиқ бюджет” ахборот портали орқали автоматик равишда голиб топилиши ҳамда республика бюджети ҳисобидан молиялаштири-лиши белгиллаб қўйилди. Бу амалиёт маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва фуқаролар ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб етади.

Парламент дипломатияси географияси кенгайимокда

Парламент дипломатиясининг ўзига хос жиҳа-ти шундаки, у расмий давлат позицияси билан бирга, жамият манфаатлари, сиеъий плюрализм ва демократик қадриятларни ҳам халқаро май-донга олиб чиқади. Парламент дипломатиясининг географияси кенгайиши давлатлар учун қатор стратегик имкониятларни яратди. Чунки пар-ламент дипломатияси орқали миллий манфаат-ларни халқаро майдонда тизимли ва узок муд-датли тарзда илгари суриш имконияти кенгайди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда парламент дипломатияси ва парламентлараро алоқалар тақши сиеъатимизнинг муҳим мулоқот воситала-ридан бирига айланди. Парламент дипломатияси географияси кенгайиб, Қонунчилик палатасининг халқаро ҳамкорлик алоқалари “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга ошири-лаётган кен қамровли ислохотларга мос равиш-да сифат жиҳатдан янги босқичга қўтарилди. Президентимизнинг фаол ташқи сиеъати Қонун-чилик палатасининг халқаро алоқаларини ривож-лантиришда муҳим омил бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, очиқ, прагматик, пухта ўйланган ва ташаббускор ташқи сиеъатимиз на-тижасида Ўзбекистон глобал тинчлик ва дипло-матия марказларидан бирига айланиб бормоқда.

Мамлакатимизда парламент дипломатияси ҳам янги мазмун ва руҳ билан ривожланияпти. Бу бо-рада барча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб беришмоқда. Натижада парламент дипломатияси концепцияси доирасида хорижий давлатлар пар-ламентлари ва халқаро ташкилотлар билан кўп қиррали ҳамда самарали алоқалар сифат босқичига чиқмоқда.

Қўйи палатанинг парламентлараро ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланишда. Ўтган даврда палатада 103 та чет эл делегацияси, жумладан, 23 нафар парламент раҳбари қабул қилинди. Де-путатлар 58 та халқаро ва парламентлараро тад-бирда иштирок етди.

Янги тар

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

Бугунги кунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг роли ва масъулияти, айниқса, уларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жумладан, ижро органлари ва ташкилотлари билан муносабатларини тўғри ҳамда самарали белгилашдек катта танлов олдида турибмиз. Маҳаллий давлат ҳокимияти тармоқларининг мақсад ва вазифалари қанчалки адолатли белгиланиши нафақат ҳудудлар, балки мамлакатимизнинг ҳам бутунлай янги сиёсий ва демократик траекторияга чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

Мулоҳаза

Конституцияга киритилган ўзгартиришларнинг бош мақсади демократик давлат қуриш ҳисобланар экан, бунда жойлардаги давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ижтимоий-сиёсий мувозанатни таъминлаш талаби ва шартли фундаментал тамойил ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, маҳаллий давлат ҳокимияти институтларини ислоҳ этиш масаласи давр тақозосига айланиб улгурди, десак, тўғри бўлади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини янги модель — “Кучли Кенгаш — ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида ислоҳ қилишга қаратилган қатор қоидалар белгилаб берилди.

Шунга кўра, Олий Мажлис Сенати томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ишини самарали ташкил этишга қаратилган 20 дан ортиқ қарорлар қабул қилиниб, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди. Жумладан, уларга оид 700 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиб, 300 дан кўп функциялар мақбуллаштирилди. Жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этиш, халқнинг бевосита хоҳиш-иродаси асосида қарор қабул қилиши талаб этиладиган жами 33 та ваколат маҳаллий Кенгашлар ихтиёрига ўтказилди.

2017 йилдан кейин қабул қилинган қонун ҳужжатлари таҳлил этиладиган бўлса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар ваколатла-

ри бир неча бараварга ошиб, унинг кўлами ҳам сезиларли ўсганини кузатиш мумкин.

Бугунги кунда маҳаллий давлат вакиллик ҳокимияти фаолиятининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, уларнинг вазифалари ҳамда ваколатларини белгилувчи нормаларга эга бўлган жами 500 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари зиммасига ҳудудий ҳаракатдаги кўплай ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазифаларни амалга ошириш юклатилди.

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 95-моддасига кўра, Сенатнинг мутлақ ваколатларига маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўз фаолиятини амалга оширишда кўмаклашиш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қарорлари, улар қонунчилик нормаларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, бекор қилиш ҳақидаги конституциявий ваколатлар ҳам киритилган.

Ушбу конституциявий меъёрларнинг ҳаётага татбиқ этилиши маҳаллий вакиллик органлари фаолиятининг бугун аввалгидан кўра фаоллашуви ва жадаллашувини тақозо қилмоқда.

Шу ўринда, биринчи навбатда, маҳаллий Кенгашлар депутатлари халқ вакиллари ўлароқ фуқароларнинг истак-иродасини ифодаловчи шахс сифатида ўз фаолиятларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва юридик нормалар билан таниш бўлиши керак. Ўрганишлар депутатларга ўз режаларини амалга оширишда ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатиш эҳтиёжи мавжудлигини кўрсатмоқда. Ушбу эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда, қолаверса, депутатлар маҳаллий даражадаги масалаларни осон ва тез ечишлари, янада самарали ҳамда профессионал даражада ишлаши, вақтлари ва бошқа ресурсларини оқилона сарфлаш, энг муҳими, фаолиятини қонуний, тўғри ташкил



Шунингдек, Президентимизнинг 2025 йил 23 июндаги фармони билан Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Олий Мажлис Сенати ташаббусига кўра ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат билан маҳаллий Кенгашлар фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириб боришда қилиниши лозим бўлган энг муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Айни пайтда Олий Мажлис Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ҳамда Сенатнинг Ҳудудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази тегишли вазирилк ва идоралар билан биргаликда ушбу концепцияда белгиланган қатор вазифаларнинг ижросини таъминлаган ҳолда Кенгашлар фаолияти янги босқичга олиб чиқишига замин яратмоқда. 2026 йилда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар билан боғлиқ жиддий ўзгаришлардан бири — эндиликда маҳаллий Кенгашга ҳокимлар эмас, депутатлар орасидан сайланган вакил раислик қилиши.

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 120-моддасида вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзига халқ депутатлари Кенгаши раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмаслиги назарда тутилган. “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунга асосан ушбу қоида туман (шаҳар) вакиллик ва ижро этувчи давлат ҳокимияти органларига нисбатан 2026 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилиши белгиланган.

Ушбу конституциявий нормадан келиб чиққан ҳолда ўтган йилнинг 29-30 декабрь кунлари республикамиздаги барча 208 та туман

(шаҳар)да халқ депутатлари Кенгашлари сессиялари ўтказилди ҳамда очиқлик ва шаффофлик таъминланган ҳолда Кенгаш депутатлари орасидан раислар сайланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимларининг ажратилиши маҳаллий даражада халқ ҳокимиятичилигини мустаҳкамлаш, қарорлар қабул қилиш жараёнида сайловчилар ва депутатларнинг ролини оширишга ҳисса қўшади. Бу жараёнда ижро ҳамда вакиллик ҳокимиятининг янги институционал модели, яъни давлат бошқарувида самарадорлик ва ҳисобдорлиқни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш, ҳокимиятлар бўлиниши принциплари, Кенгаш ва ҳокимликларнинг ўзаро ҳамкорлиги, депутатларни қонун ижодкорлиги фаолиятига кенг жалб этиш, қарорлар қабул қилишда қонунийликни таъминлаш бўйича амалий машғулотларда ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида шу йил 19 январь куни Олий Мажлис Сенатида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари раислари ҳамда ҳокимлар учун ўқув семинарлари ўз ишини бошлади. 31 январгача давом этадиган мазкур жараён ҳудудларнинг қамрови ва иштирокчилар сонини инобатга олган ҳолда тўртта гуруҳга бўлиб ташкил этилган.

Бундай маърифий майдонлар туман ва шаҳарлар кесимида халқ манфаатлари йўлида адолатли қарорлар қабул қилиш, масъулиятли ёндашуви намоён этиш ва амалий натижаларга эришишда ижобий ҳосиласини беради. Бундан ташқари, бюджетни шакллантириш, унинг бажарилиши устидан самарали депутатлик назоратини амалга ошириш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва уларни тизимли ҳал этишда Кенгашлар ролини кучайтириш, шунингдек, “Маҳалла еттилиги” — Кенгаш — Сенат” тамойили асосида ишни самарали ташкиллаштириш борасида ҳам муҳим платформа бўлиб хизмат қилади.

Анвар ТҲҲИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Аграр, сув ўҳжалиги масалалари ва
экология қўмитаси раиси.

ИҚТИСОДИЁТ янгиликлари

Ўзбекистон экспорти 40 млрд. долларга етиши кутилмоқда

2025 йилда Ўзбекистон экспорти 33,4 млрд. долларга етиб, 2024 йилдагига нисбатан 23 фоиз ошди.



Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги маълумот берди.

Қайд этилганидек, экспорт географияси 131 та мамлакатни қамраб олди. 2026 йилда бу кўрсаткич 40 млрд. долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Экспорт ҳажмининг ўсиши, аввало, янги йўналишлар ҳисобига таъминланди. Жумладан, АТ хизматлари 940 млн., туризм 5,0 млрд., шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ва қурилиш материаллари ҳар бири 1,1 млрд. долларни ташкил этиб, экспортнинг муҳим манбаларига айланди. Мазкур йўналишлар экспорт таркибининг барқарор кенгайиши ва диверсификациясини таъминлапти.

Қурилиш соҳасида халқаро тажрибадан фойдаланилади

Шу пайтга қадар “Ўзбекнефтьгаз” АЖДа нефть-газ объектларини қуриш, реконструкция қилиш, қудуқларни бурғилаш ва мукамал таъмирлаш ишлари турли пудратчи ташкилотлар томонидан амалга оширилган.



Айрим ҳолларда бу ишлар сифатсиз ёки белгиланган муддатда яқунланмаган. Натижада қазиб чиқариш жараёнларида узилишлар юзга келиб, компания молиявий ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатган.

Эндиликда мазкур муаммони бартараф этишда жaxon тажрибасини қўллаган ҳолда жамият таъсисчилигида “Нефтьгаз инжиниринг” МЧЖга асос солинди. Унинг асосий вазифалари: қурилиш объектларини, қудуқлар қурилиши ва мукамал таъмирлаш жараёнларини белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш юзасидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш, билрамлик рухсат берувчи ва лойиҳа ҳужжатларининг белгиланган муддатларда сифатли тайёрланишини ташкил қилиш, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик талабларига қатъий риоя этилиши устидан назорат олиб бориш, яқунланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш ва бошқа зарур ишларини амалга оширади.

Иссиқлик тармоқлари янгиланади

2026 — 2030 йиллар Ўзбекистонда иссиқлик таъминоти тизимини тубдан янгилаш ва модернизация қилишда муҳим босқич бўлиши кутиляпти.



Гап шундаки, “Иссиқликтаъминоти” акциядорлик жамияти ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик лойиҳаларига мувофиқ, мазкур давр мобайнида 207 млн. АҚШ доллари маблағлари ҳисобидан 475,8 километрик иссиқлик тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, умумий қуввати 130 МВт бўлган замонавий қозонхоналар барпо этиш, шунингдек, 1 357 та индивидуал иссиқлик пункти ўрнатиш кўзда тутилган.

Лойиҳалар тўлиқ амалга оширилганда 2 260 та кўп қаватли уй, яъни 96 327 та хонадон, шунингдек, 402 та ижтимоий соҳа объекти — мактаблар, болалар боғчалари, тиббий муассасалари марказлашган, барқарор ва хавфсиз иссиқлик қуввати билан таъминланади.

«Халқ сўзи».


Муносабат

ОЧИҚ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ

Бугун Ўзбекистон ташқи сиёсати тарихида муҳим ва рамзий аҳамиятга эга бўлган воқеалик гувоҳ бўлмоқдамиз. Яъни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Давос шаҳрида ўтказилаётган халқаро мулоқот доирасида Тинчлик кенгаши ташаббусини қўллаб-қувватлаши мамлакатимизнинг тинчликпарвар ва очиқ ташқи сиёсатининг мантиқий давоми бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўзбекистон ҳар доим уруш эмас, мулоқот тарафдори бўлиб келган. Биз можароларни фақат дипломатик йўл билан ҳал этиш, давлатлар ўртасида ишончли мустаҳкамлаш тарафдоримиз. Тинчлик кенгашига қўшилиш айнан шу принципларга тўлиқ мос келади. Бу ҳарбий ёки мажбурий тузилма эмас, балки тинчлик, келишув ва ҳамкорликка хизмат қиладиган халқаро майдондир.

Бу қадам Ўзбекистон учун, аввало, халқаро нуфуз ва ишончнинг янада ошишини аңглатади. Бугун жаҳон ҳамжамияти мамлакатимизни масъулиятли, барқарорликка ҳисса қўша оладиган давлат сифатида қабул қилмоқда. Бу ишонч эса келажақда иқтисодий ҳамкорлик, инвестиция ва



гуманитар алоқалар учун мустаҳкам замин яратди. Ўзбекистон Президенти ташқи сиёсатда ҳар доим мувозанатни сақлаб келмоқда. Мамлакат ҳеч қандай ҳарбий блокларга қўшилмайди, ўз мустақил позициясидан воз кечмайди. Шу билан бирга, глобал тинчликка дахлдор масалаларда четда туриб қолмасдан, ўз тақлиф ва тажрибасини илгари сурмоқда. Бу ҳақиқий етакчилик намунасидир.

Айниқса, Ўзбекистоннинг Афғонистон масаласидаги конструктив позицияси, Марказий Осиёда ишонч муҳитини яратиш бўйича ташаббуслари халқаро майдонда юқори баҳоланмоқда. Тинчлик кенгаши доирасида ҳам мамлакатимиз айнан шу тажриба билан фаол иштирок этиши мумкин.

Ишонч билан айтиш жоизки, бу қарор қисқа муддатли сиёсий манфаатлар учун эмас, балки келажақ авлодлар учун тинч, барқарор ва ривожланган Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган. Зеро, биз тинчликка ҳисса қўшиш орқали ўз миллий манфаатларимизни ҳам мустаҳкамлаймиз.

Ўзбекистоннинг танлаган йўли мулоқот, ҳамкорлик ва тинчликка асосланади. Бу эса, шубҳасиз, мамлакатимиз учун тўғри ва стратегик жиҳатдан асосли йўлдир.

Одилжон МАМАТҚАРИМОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Халқаро муносабатлар,
ташқи иқтисодий
алоқалар, хорижий
инвестициялар ва туризм
масалалари қўмитаси
раиси ўринбосари.

ГЛОБАЛ МАСАЛАЛАРГА МУВОЗАНАТЛИ ВА КОНСТРУКТИВ ЁНДАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Давос шаҳрида ўтказилаётган Тинчлик кенгашининг Низомини имзолаш маросимидаги иштироки мамлакатимиз ташқи сиёсатининг изчил ва тинчликпарвар йўналишини яна бир бор намоён этди. Ушбу ташаббус Ўзбекистоннинг халқаро можароларни сиёсий-дипломатик йўл билан ҳал этиш, глобал хавфсизликни мустаҳкамлаш ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган устувор позициясига тўлиқ мос келади.

Айниқса, Тинчлик кенгашининг Ҳазо секторидаги можарони туғатиш, инсонпарварлик инқирозини бартараф этиш ҳамда иқтисодий-ижтимоий тикланиш учун шaroит яратишга қаратилган бугунги мураккаб халқаро вазиятда долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг бу жараёнда таъсисчи давлатлардан бири сифатида қатнашиши мамлакатимизнинг фақат минтақавий эмас, балки глобал микёсда ҳам тинчлик ва барқарорлик масалаларига фаол ҳисса қўшишга тайёр эканини аңглатади.

Кенгаш таркибида турли минтақалардан нуфузли давлатлар ва етакчиларнинг жамлангани ушбу тузилманинг сиёсий



салмоғи ва амалий имкониятларини оширади. Ўзбекистон учун бу платформа халқаро ҳамкорлар билан яқин мулоқот олиб бориш, муросага асосланган ёндашувларни илгари суршиш ва можароларнинг олдинчи олишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш имконини кенгайтиради.

Ўзбекистон учун бундай платформаларда иштирок этиш, ав-

тициявий муҳитни яхшилаш ҳамда давлат бошқарувини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлохотлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда жаҳонда кечаётган глобал ўзгаришлар, халқаро бозорлардаги тебранишлар, технология ва саноатнинг жадал ривожини, энергия бозорларидаги трансформация ҳамда таъминот занжирларининг қайта шаклланиши янгича ёндашувларни талаб этмоқда.

Хусусан, ташқи сиёсат соҳасида ҳам аниқ индикаторлар жорий этилмоқда. Агар аввал мақсадлар умумий шаклда белгиланган бўлса, эндиликда ҳар бир режа рақам ва фоизлар билан ўлчанади. Масалан, хориждаги Ўзбекистон фуқароларига кўрсатилаётган консуллик хизматлари ҳажмининг 2030 йилга қадар 8 500 нафардан 100 минг нафарга етказиш мақсад қилинган. Бу борада сунъий интеллект каби замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳам режалаштирилмоқда.

Халқаро экспертлар ҳам Стратегиявий муҳитни яхшилаш ҳамда давлат бошқарувини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлохотлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда жаҳонда кечаётган глобал ўзгаришлар, халқаро бозорлардаги тебранишлар, технология ва саноатнинг жадал ривожини, энергия бозорларидаги трансформация ҳамда таъминот занжирларининг қайта шаклланиши янгича ёндашувларни талаб этмоқда.

Хусусан, ташқи сиёсат соҳасида ҳам аниқ индикаторлар жорий этилмоқда. Агар аввал мақсадлар умумий шаклда белгиланган бўлса, эндиликда ҳар бир режа рақам ва фоизлар билан ўлчанади. Масалан, хориждаги Ўзбекистон фуқароларига кўрсатилаётган консуллик хизматлари ҳажмининг 2030 йилга қадар 8 500 нафардан 100 минг нафарга етказиш мақсад қилинган. Бу борада сунъий интеллект каби замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳам режалаштирилмоқда.

Халқаро экспертлар ҳам Стратегиявий муҳитни яхшилаш ҳамда давлат бошқарувини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлохотлар амалга оширилмоқда.

Ўлутбек РҲҲИМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

Жорий йилда «5G» технологияларини янада кенг жорий этиш, шунингдек, сунъий йўлдош алоқасидан фойдаланишни кенгайтириш режалаштирилган.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИ

ИШСИЗЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ КЕСКИН КАМАЙТИРМОҚДА

Юртимизда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли ҳаёт даражасини юксалтириш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Натижада кейинги йилларда инсон қадрини улуғлаш, турмуш шaroитини яхшилашга қаратилган ислохотлар кўлами кенгайтирилди. Бунинг самаралари эса юртдошларимизнинг кундалик ҳаётида ўз аксини топмоқда. Биргина 2025 йил давомида камбағаллик даражаси 8,9 фоиздан 5,8 фоизга тушгани, қарийб 1,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиққани, илк бор 1 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айлангани бунинг яққол далилидир.

Сарҳисоб

Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида таъкидланганидек, бу ишлар бошланганида аҳолиимизнинг учдан бир қисми камбағаллик чегарасида яшарди. Кредит, субсидия, компенсация каби 100 дан зиёд хизматлар орқали ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизимини йўлга қўйганимиз ва буларни маҳалладаги “еттилик”нинг ўзига берганимиз натижасида 8,5 миллиондан зиёд одамлар камбағалликдан чиқди, ишсизлик 2 карра қисқарди.

Амалий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, камбағалликни бартаф қилишда турли нафақалардан кўра, даромадли меҳнат устувор аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг биринчи ўринбосари Марат Жўраев. — Шу боис оилаларнинг меҳнатга лаёқатли аъзоларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Республика бўйича реестрга киритилган оилаларнинг 62 фоизи айнан камбағалликни қисқартиришга оид хизматлар билан қамраб олинди. Маҳаллалар кесимида аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган 328 мингта микролойиха амалга оширилиб, уларнинг 82 мингтасида камбағал оилаларнинг 123 минг нафар аъзоси бевосита иштирок этди. Бу эса маҳаллада иш ўринлари яратиш, аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш ва ижтимоий муҳитни соғломлаштиришга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, бандлик сиёсати ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш ва иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда муҳим таънага айланмоқда. Биргина мисол: Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида яшовчи Маърифат Ибрагимовнинг оиласи бундан тўрт йил олдин моддий жиҳатдан танг аҳволга тушиб қолган эди. Шундай пайтда у масъулларнинг маслаҳати билан банк-

дан 50 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, “Файзинисо-Амирхон” оилавий тикувчилик корхонасини ташкил этди.

— Бошида ўзим каби ижтимоий ҳимояга муҳтож бир аёлни ишга олдим, — дея эслайди Маърифат Ибрагимов. — Иккаламиз уйимнинг бир хонасида, минг бир ҳадик ва умид билан иш бошладик. Аста-секин ишимиз юришиб, буюртмалар кўпайди, молиявий ҳолатимиз яхшиланди. Шундан сўнг туман марказида, мўъжазгина бўлса-да, ўз тикувчилик цехимизни қуриб ишга туширдик. Бугунги кунда корхонамизда 30 нафардан зиёд кишилар иш билан банд. Уларнинг деярли барчаси аввал ишсиз бўлган, 12 нафарини эса ногиронлиги бор хотин-қизлар ташкил этади.

Халқимизда “Излаган имкон топар” деган нақл бор. Бир неча йил муқаддам камбағал оила бекаси бўлган Маърифат Ибрагимова ташаббускорлиги, изланиши, қолаверса, давлатимизнинг моддий ва маънавий кўмаги билан тадбиркор аёлга айланди.

Фаровонлик сари амалий қадам

Қишлоқ жойларда камбағалликни қисқартиришда “Томорқа мактаби” лойиҳасининг роли катта бўлмоқда. Таъбир жоиз бўлса, уни фаровонлик сари амалий қадам, дейиш мумкин.

Айтиш керакики, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги жамғармаси ҳисобидан “Намуна Элегант Агро” МЧЖга лизинг тарзида 4,3 млрд. сўм маблағ ажратилиб, бунинг эвазига замонавий ўқув-амалий марказ — “Сурхондарё инновацион томорқа мактаби”га асос солинган эди. Лойиҳа доирасида ўқув биноси барпо қилиниб, 3 гектар майдонда иссиқхона, шунингдек, 3 гектар ўқув-тажриба ер майдони ташкил этилди.

— Бугунги кунда мазкур инновацион томорқа мактабида ўқув курсларига уста деҳқонлар, олимлар ва

соҳавий мутахассислар жалб этилган, — дейди Марат Жўраев. — Дала ўқув семинарлари орқали аҳолига ҳам назарий, ҳам амалий билим-кўникмалар берилмоқда. Яъни бир йилда 3-4 марта ҳосил олиш, юқори даромадли экинларни екиш ҳисобига 1 сотих ердан ўртача 10 — 15 млн. сўм даромад қилиш амалиёти ўргатиляпти. Бу эса томорқадан самарали фойдаланиш орқали кам даромадли оилалар турмуш даражасини яхшилаш мумкинлигини амалда исботламоқда.

Чиндан ҳам, Ўрганч туманилик Яшсанан Майлиев 10 сотих ердан 5 марабага ҳосил олиб, хар сотих ердан 10 — 15 млн. сўмгача даромад топяпти. Унинг ушбу тажрибаси ўзи яшайдиган Оёқбоғ маҳалласида оммалаштирилиб, худуд кўчалар етиштиришга ихтисослаштирилди.

Янги бошқарув механизми

Президентимизнинг 2024 йил 4 октябрдаги “Камбағалликни қис-

“**Маҳаллалар кесимида аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган 328 мингта микролойиха амалга оширилиб, уларнинг 82 мингтасида камбағал оилаларнинг 123 минг нафар аъзоси бевосита иштирок этди. Бу эса маҳаллада иш ўринлари яратиш, аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш ва ижтимоий муҳитни соғломлаштиришга хизмат қилмоқда.**

Уста деҳқон маҳалла аҳолисини бирлаштириб кўкатилик кооперациясини ҳам ишга туширганига нима дейсиз?! Ёки бўлмаса, Богдоғ туманида аҳоли томорқаларида 20 гектар майдонда узумчилик кооперацияси ташкил этилганлиги ҳисобига 123 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланиши баробарида, доимий даромад манбаига эга бўлди.

Лойиҳа доирасида қишлоқ ҳўжалигининг яна бир истиқболли йўналиши — асарларчиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туркия давлати мутахассислари билан ҳамкорликда Жиззах ва Тошкент вилоятлари иқлим шaroитлари ўрганилиб, Бўстонлиқ тумани пилот худуд сифатида танлаб олинди. Мақсад асарларчиликни оммалаштириб, уни янги даромад манбаларидан бирига айлантиришдир.

Шу билан бирга, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан “Камбағал оилалар реестри”га киритилган ёки ишсиз фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1000 гектар ер майдонларида мевали боғлар ташкил этиш

қартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини тақомиллаштириш ва самарадорлиқни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, даромад манбаларини яратишга қаратилган мутлақо янги бошқарув механизми амалда қўлланилмоқда.

Бу ўринда гап юқори натижаларга эришадиган, ташаббускор ва амалий тажрибага эга 50 нафар ҳоким ёрдамчисидан иборат “Лойиҳа менежерлари” гуруҳи ташкил этилгани ҳақида кетмоқда. Ушбу гуруҳ самарадорлик кўрсатишлари паст бўлган, ижтимоий-иқтисодий

2025 йил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли бандлиги сиёсатида манзиллилик кучайди, ресурслар аниқ мақсадга йўналтирилди, ижтимоий ёрдам иқтисодий фаолликка айлантирилди, маҳалла ва хонадон даражасида барқарор даромад модели шаклланди. Пировардида бундан уч йил олдин камбағалликни 2026 йил якуни билан 2 карра қисқартириш бўйича белгилаб олинган марра муддатидан аввал, аниқроғи, 2025 йилнинг ўзида уудланди. Бу эса ушбу йўналишдаги ишлар жорий йилда яна кенг кўлам касб этиб, ижтимоий фаровонлик, иқтисодий барқарорлик таъминланишидан далолатдир.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Энг муҳими, тиббиёт ходимларига мурожаат анча соддалашган. Рақамлаштириш инсон манфаатига хизмат қилаётганини амалда ҳис этилмиш.


Бугун Андихон вилоятида беморларни рўйхатга олиш, тиббий карта юритиш, лаборатория ва диагностика натижаларини олиш, шифокорлар ўртасида маълумот алмашиш ишлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Ортиқча қоғоз-бозилка чек қўйилди. Натижада шифокорлар асосий вақтини ҳўжжаси расмийлаштиришга эмас, бемор саломатлигига бағишламоқда. Асосийси, бемор қайси тиббиёт муассасасига мурожаат қилишидан қатъи назар, унинг тиббий маълумотлари ягона тизимда акс этади. Бу такрорий текширувлар сонини камайтиради ва даволаш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди.

Тиббиёт инфратузилмасини мустаҳкамлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўтган йилда вилоятда 130 млрд. сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Бу маблағ ҳисобидан шаҳар ва туманлардаги тиббиёт муассасалари реконструкция қилиниб, замонавий тиббий ускуналар билан таъминланди. Шунингдек, 1 млрд. сўмлик 1077 та замонавий тиббиёт асбоб-ускунаси олиб келинди. Натижада илгари фақат йиррик марказларда амалга оширилган юқори технологик, мураккаб жарроҳлик амалиётларини вилоятнинг ўзида бажариш имконияти яратилди.

Саминжон ХУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

КЕКСАЛАР ҲАЁТИ — ЁШЛАР УЧУН ИБРАТ МАКТАБИ

Оҳангаронлик Хилва момо Жаҳоналиева яқинда юз билан юзлашиб, ўзининг иккинчи асрлик умрига пешвоз чиқди. 19 ёшида фермада сут соғувчи бўлиб иш бошлаган аёлнинг сочлари бугун сутдек оппоқ. Худди қалби ва нияти каби. Фаришта сифат онахоннинг 100 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказилган тантанали тадбир ҳам самимий тилақларга бой бўлди.



Эҳтиром

— Инсон азиз ва муқаррам. Очарчилик азобини, уруш уқубатларини, тикланиш йиллари жабрини, ҳаётнинг қўллаб аччиқ-чучук кунларини бошидан кечирганига қарамасдан, ҳамиша ҳалол меҳнат қилган ва бошқаларни ҳам шунга ундаган қайвонлиримиз маҳаллалар фазли, юртимиз кўрки, — дейди “Нуроний” жамғармаси Тошкент вилояти бўлими бошлиғи, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Абдусамид Носиров. — Ёши улуг Хилва опанинг ҳаёт йўли ёш авлод учун намуна мактаби. Бу каби фаришлардан инсонийлик сабоқларини олиш орқали ҳаياتда ижтимоий-маънавий муҳит янада мус-

таҳкамланади. Вилоятимиз бўйлаб ташкил этилаётган уч авлод урчушларининг туб замирида ҳам шундай эзгу мақсад муҳассас.

Оҳангарон туманида бўлиб ўтган тантанали тадбирда республика “Нуроний” жамғармаси бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Соҳибжон Турдиев иштирок этди ва юз ёшли Хилва момо Жаҳоналиевани қутлади.

Отабек ИСРОИЛОВ
(«Халқ сўзи»).

КИЧКИНТОЙЛАР ЧЕТ ТИЛИНИ ҚАНДАЙ ЎРГАНАДИ?

Болаликнинг илк даврида хорижий тилни ўрганиш кичкинтойларнинг интеллектуал ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Намангандаги қатор боғчаларда француз тилини ўрганиш борасида ташланган қадам айни ҳаракатга қанот бағишлайди. Ҳозирги кунда вилоятдаги 24 та давлат мактабгача таълим ташкилоти тайёрлов гуруҳ тарбияланувчилари “Kokoro Lingua” — болаларга чет тилларини эрта ёшдан ўргатиш дастури асосида сабоқ олишга киришди.

Изланиш



Машгулотларга болалар табиий суратда, қизқарикли усуллар орқали жалб этилади. Бунда интерфаол видеодастарлар ёрдамида келажагимиз эгаларида тил кўникмаларини шакллантириш, ўйин асосида ўрганиш жараёнларига устуворлик қаратилмоқда.

— “Kokoro Lingua” платформасидан фойдаланишга биринчилар қаторида киришдик, — дейди Наманган шаҳридаги 17-давлат мактабгача таълим ташкилоти директори Гузал Тожибоева. — Тайёрлов гуруҳидаги 30 нафар тарбияланувчи дастурга жойлаштирилган 10 та видеодастарга таянган ҳолда бир йил давомида француз тилини бепул ўрганади. Тажрибали педагог Дилшода Ҳайдарова болаларга кундалик сўзлашувда қўлланиладиган оддий иборалар, ўйинчоқлар ва ҳаракат атамаларини таништириш орқали дастлабки кўникмаларни сингдирмоқда.

Куни кеча Наманганда “Давлат мактабгача таълим



ташкилотларида Франциядаги “Kokoro Lingua” компаниясининг инновацион француз тилини ўрганиш платформасидан самарали фойдаланиш” мавзюда минтақавий семинар ташкил этилди. Унда лойиҳа мувофиқлаштирувчиси Исаллин Чау, водий вилоятларидан мактабгача таълим ташкилотлари директор ўринбосарлари иштирок этди. Тадбир давомида болаларни чет тилларига таълим, қизқарикли ва ёш хусусиятларига мос услублар асосида ўргатиш имкониятлари атрофлича ёритиб берилди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

ҚЎЗИҚОРИННИНГ ҚАЙСИ НАВИ ХАРИДОРГИР?

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяётганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бунга Арнасой туманидаги “Чинобод” маҳалла фуқаролар йиғини худудида истиқомат қилаётган Равшан Бобоев ўз хонадонига қўзиқорин етиштириб, даромад олаётгани ҳам яққол мисол бўлади.

Омилкорлик

— Маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчисининг тавсияси билан уйимизнинг бўш турган хоналаридан бирига пештахталар ўрнатиб, қўзиқориннинг “вешенка” навини етиштиришни бошладик, — дейди тадбиркор. — Бунинг учун 7 млн. сўм сарфлаган бўлсак, биринчи ва иккинчи ҳосилнинг ўзида харажатамиз тўлиқ қопланиб, яна шунча даромад олдик. Айни кунларда яна бир ҳосилни йиғиб, 3-4 млн. сўмга сотишни ният қилиб турибмиз.

Қўзиқориннинг бу нави жуда фойдали ва оксилга бой бўлиб, харидорлари ҳам кўп. Уни йил — 12 ой давомида етиштириб, даромад олиш мумкин. Шунки ҳисобга олган Р. Бобоев оилавий тадбиркорлигини икки бараварга ошириш мақсадида яна 55 квадрат метр майдонни қўзиқорин етиштиришга мослаб жиҳозламоқда.

Улуғбек АДИЛОВ
(«Халқ сўзи»).

МАСОФАВИЙ ТИББИЁТ ИМКОНИЯТЛАРИ



Бугунги кунда рақамлаштириш жараёнлари соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга олиб чиқмоқда. Айниқса, аҳолига қулайлик яратиш, тиббий хизматлар сифатини ошириш ва шаффофлиқни таъминлашда электрон тиббий хизматларни жорий қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Рақамлаштириш

Андихон вилоятида ҳам электрон тиббий карта тизимини қўллаш ва шифокорлар билан масофавий мулоқот қилиш имкониятлари босқичма-босқич йўлга қўйилмоқда. Бу ўзгаришлар аҳолининг кундалик ҳаётига, бемор вақтига, хотиржамлигига ва

шифокор билан муносабатига бевосита таъсир кўрсатапти.

— Ҳозирги кунда вилоятда аҳолининг электрон тиббий картасини қиратиш имкониятига эга бўлган ягона тиббиёт ахборот тизими (DMED) жорий этилди, — дейди вилоят соғлиқни сақ-

лаш бошқармаси ходими Муфаззалшо Мухамедов. — Илгари жапонларда йиллаб тўплайиб қолган тиббий карталар энди электрон маълумотлар базасида сақланмоқда. Бу нафақат маълумотлар йўқолиб кетишининг олдини олди, балки улардан тезкор ва қулай фойдаланиш имкониятини ҳам яратди. Энди беморлар узок масофадан туриб ҳам тиббий маслаҳат олиш, таҳлил натижаларини билиш, шифокор қабулига электрон навбат орқали ёзилиши мумкин. Бу, аввало, беморларнинг вақти тежаллишига, навбатлар камайишига хизмат қилмоқда.

Тиббиёт соҳасидаги ислохотлар шифокор билан бемор ўртасидаги мулоқотни ҳам анча енгиллаштирди. Илгари шифохонада ётган бемор тиббиёт ходимини чақириб учун унинг хонасига боришига тўғри келарди. Ҳозир эса ётган жойида махсус тумгани босиш орқали ҳамшира ёки шифокорни чақиритиш мумкин. Чақирув ҳақидаги маълумот тиббиёт ходимининг қўлидаги қурилмага дарҳол етиб боради.

— Авваллари бир киши касал бўлса, ортидан бутун оила сарсон бўларди, — дейди бемор Санобархон Қаҳқарова. — Ҳозир эса уйда туриб навбат олиш мумкин. Шифохонадаги шaroитлар яхши: уч маҳал иссиқ овқат, доимий иссиқ ва совуқ сув бор.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 31 016 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар: 71-259-74-51; 71-259-74-53; 71-259-74-87.



Таҳриратга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг тақриз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.23 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши